

Уламолар бисотидан



15:45 / 15.04.2024 1900

Замахшарий ҳақида Ибн ал-Қифтий қуйидагича ёзган: «**Замахшарий илм ул-адаб, грамматика ва луғат бобида ўзгаларга мисол бўладиган аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашган бўлиб, тафсир, ҳадис, грамматика ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлари бордир. У ўз асрида араб тилида ижод қилган ажамлар (ғайри араблар) орасида энг буюгидир**» . Бундан ташқари араб нақлларидан бирида шундай дейилади: «**Агар Замахшарий бўлмаганида араблар ўз тилларини билмас эдилар**».

1395 йил (бундан 629 йил олдин) – Амир Темур ўзининг 250 минг атрофидаги қўшинини Шимолий Кавказдаги Терек дарёсининг чап соҳилига ўтказиб, саф торттирди. 15 апрелга ўтар кечаси Тўхтамишнинг бир гуруҳ лашкари тунда ҳамла қилмоқчи бўлди. Лекин чиғатойлар

Соҳибқироннинг «**Кеча бўлғонда ҳеч киши ўз еридин тебранмагай ва ундашмасунлар ва шабихун, яъни кечаси тўсатдан ҳужумдан воқиф бўлсунлар, ўт ёқмасунлар!**» – деган фармонига амал қилиб, шайланиб ноғора ва карнайларни чалиб турган эдилар, душман яқинлашолмай, қайтиб кетди.

1469 йил (бундан 555 йил олдин) – Алишер Навоий Рамазон ҳайити куни ҳукмдор Султон Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқиши муносабати билан ўтказилган таҳният (шоҳни муборакбод этиш) маросимида илк бор ўзининг машҳур «Ҳилолия» қасидасини тантана иштирокчиларига тақдим этди. Мазкур қасида шоирнинг ниҳоятда теран бадиий тафаккурининг маҳсули ҳисобланади. Қасида 91 байтдан таркиб топган бўлиб, унинг матлаъ ва мақтасида янги ой – ҳилолга ишора қилинади.

«**Ҳилолия**» қасидаси мазмун-моҳияти ва бадииятининг мукаммаллашувини унинг воқеий асар эканлиги ҳам таъмин этган. Қасидадаги воқеалар тўрт асосий образ атрофида айланади: шоир, Аторуд (Меркурий сайёраси, мифологияга кўра, айна юлдуз шоир ва ёзувчилар ҳомийси саналади), улуғ шоирнинг севгилиси ва шаҳаншоҳ Ҳусайн Бойқаролар шулар жумласидандир. «**Ҳилолия**»нинг етакчи қаҳрамони улуғ шоирнинг ўзидир.